

ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙЛАРДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг

илмий ходими **Ниязова У**

Музейшунослик фани сўнгги ўн йилликларда сезиларли даражада ўзгариб, анъанавий “экспонат марказли” ёндошувдан “ташрифчи марказли” ёндошувга олиб ўтилди. Ушбу ўзгаришлар марказида “коммуникация” тушунчасининг пайдо бўлиши туради. Илгари музейнинг асосий вазифаси экспонатларни тўплаш, сақлаш ва намоиш қилиш билан чекланган бўлса, ҳозирги кунда унинг асосий миссияси жамият билан кўп қиррали мулоқотга киришиш, маданий билимларни етказиш ва ижтимоий фаолликни кучайтиришдан иборатдир.

Коммуникация тушунчасининг музейшуносликка кириб келиши музей фаолиятига янги назарий-услубий ёндашувларни олиб кирди. Энди музей экспонатлари ахборот, тарихий хотира ва маданий маъноларни ташувчи омил сифатида қаралади, ташриф буюрувчилар эса ушбу маъноларнинг фаол талқинчисига айланади. Демак, музей жараёни бир томонлама маълумот етказиш эмас, балки диалогик, интерактив ва тушунарли мулоқот майдонига айланди.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши музей коммуникациясини янги босқичга кўтарди. Виртуал кўргазмалар, мультимедиа воситалари, 3D реконструкция, интерактив ҳариталаш, мобил гидлар ва электрон ресурслар музей тажрибасини янада бойитиб, уни глобал маданий-таълим марказига айлантирмоқда. Шу сабабли музейларда коммуникация жараёнини чуқур ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Коммуникация назариясининг асослари XX асрда коммуникация назариялари жадал ривожланди. Клод Шеннон томонидан ишлаб чиқилган математик алоқа модели ахборот узатиш жараёнини манба, канал, шовқин ва қабул қилувчи каби

элементларга ажратиб берди. Маршалл Маклюэн эса инсоният тараққиётини тил, босма, телевидение ва рақамли коммуникация vositalari орқали тушунтирди.

Улар томонидан ишлаб чиқилган назариялар коммуникация тушунчасининг музейшуносликда ҳам татбиқ этилишига сабаб бўлди.

Музей коммуникациясининг мазмуни Музейда коммуникация — бу экспонат, мутахассис ва ташрифчи ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни. Экспонат маълум бир тарихий, маданий ёки бадиий маънони ифода этади, ташрифчи эса уни ўз тажрибаси, билими ва маданий дунёқараши асосида талқин қилади.

Тушуниш ва тушунтириш жараёни мос келганда, муваффақиятли мулоқот юзага келади; акс ҳолда англашилмовчилик, яъни коммуникация узилиши содир бўлади.

Анъанавий музей тушунчаларига янги ёндашув Коммуникатив ёндашув музей фаолиятидаги анъанавий таъриф ва тушунчаларни қайта кўриб чиқишга ёрдам беради. Музей экспонатлари ва кўргазмаларининг маъноси, ташкил этилиши ва намоиш этиш услублари энди замонавий талаблар асосида изоҳланади.

Музейнинг амалиётдаги коммуникацияси тўрт асосий қисмдан иборат:

- музей шароитларини ўрганиш
- режалаштириш
- лойиҳалаш
- ташкил этиш.



(Фото сурат) Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи.

Кўргазма дизайни, экспонатларни жойлаштириш, мос ёритиш ва таърифловчи материалларни тайёрлаш ушбу жараённинг муҳим қисмидир.

Экспонатнинг “тили” ва талқини Ҳар бир экспонат маълум мақсад билан музейга қабул қилинади ва маъно ташийд. Ташрифчи ушбу маънони тўғри англаши учун визуал ва ахборот кўргазмали воситалар, ошкора ва аниқ таърифлар талаб этилади. Акс ҳолда ташрифчи экспонатнинг мазмунини тўлиқ тушунмаслиги мумкин.

Камерон назарияси ва "учинчи томон" концепцияси

Канадалик олим Д.Ф. Камерон музей кўргазмалари шундай ташкил этилиши кераклигини таъкидлаганки, ташрифчи мутахассиссиз ҳам экспонатни англай олсин. Бунинг учун дизайнерлар, рассомлар, педагоглар, психологлар ва социологлар биргаликда ишлаши зарур.



(Фото сурат) Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи.

Педагогика, психология ва социологиянинг ўрни

- Педагоглар экспонат мазмунини соддалаштириб тушунтиради
- Психологлар ташрифчиларнинг идрок жараёнини ўрганади
- Социологлар музей-мулоқотнинг жамиятга таъсирини таҳлил қилади
- Дизайнерлар эса визуал таҳсирчанликни таъминлайди

Шу йўсинда музейда муваффақиятли коммуникация яратилади.

Замонавий технологияларнинг аҳамияти

Интерактив ва мультимедиа технологиялари музей тажрибасини янги босқичга кўтармоқда:

- электрон гидлар
- сенсор панеллар
- виртуал кўргазмалар
- 3D реконструкция
- аудио ва видео шарҳлар
- электрон фикрлар китоблари

Бу технологиялар экспонат мазмунини чуқур тушунишга ёрдам беради.

Интернет-музейлар

Интернетдаги музей экспонатлари виртуал саёҳат қилиш, архив материалларидан фойдаланиш, мультимедиа платформалар яратиш, болалар учун ўқув дастурлар тайёрлаш каби имкониятларни очади. Бу жараёнда олимлар, дизайнерлар, 3D сканерчилар ва дастурчилар иштирок этади.



(Фото сурат) Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи.

Музейнинг ҳамкорлари

Музейлар қуйидаги муассасалар билан ҳамкорлик қилади:

- бошқа музейлар
- мактаб ва олий ўқув юртлари
- маданият марказлари
- туризм агентликлари
- жамоат ташкилотлари

Бу ҳамкорлик янги лойиҳалар ва кўргазмалар яратишга имкон беради.

Хулоса Замонавий музей жамиятнинг маданий хотираси, тарихий воқелик инъикоси ва маърифий маркази сифатида катта аҳамиятга эга. Коммуникатив ёндашув музей фаолиятини янги босқичга олиб чиқиб, экспонатларни фақат намойиш этиладиган ашё эмас, балки англаш ва ўрганиш объектига айлантиради.

Музей коммуникациясининг самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- экспонат мазмунининг равшан талқини
- интерактив технологиялардан фойдаланиш
- илмий асосланган кўргазма дизайни
- педагог, психолог ва социологлар билан ҳамкорлик
- ташрифчилар эҳтиёжини ўрганиш

– рақамли инновацияларни жорий этиш

Бугунги виртуал кўргазмалар, электрон архивлар, мобил гидлар ва онлайн платформалар музейларни глобал маданий-маърифий марказга айлантирмоқда. Келажакда музейлар нафақат экспонатлар йиғиндиси, балки жамиятни бирлаштирувчи, инсон тафаккурини бойитувчи инновацион маданий институт сифатида янада ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги ПҚ-4797-сон қарори. — Тошкент, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси “Маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни. — Тошкент: Адолат, 2019.
3. Каримов, И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Тошкент: Ма’навият, 1998.
4. Ҳасанов, Б. Музейшунослик асослари. — Тошкент: Фан, 2018.
5. Рахмонов, А. Қадимий ёдгорликлар ва археологик топилмалар таҳлили. — Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2021.
6. Жўраев, О. Тарихий манбалар ва уларнинг илмий талқини. — Тошкент: Университет, 2020.